


Уй бозорида
“фирибгарларга алданиб қолдим”,
деган эътироз бўлмайди

4-с.

Тенгдош тенгдошига
ТАЪСИР ҚИЛГАНИ — ЮТУҚ!

5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№68
(2396)

2026 ЙИЛ
26 АВГУСТ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 ЙИЛ — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ҚИЗЛАРИМИЗ ҚИЗИҚИШ ВА ИНТИЛИШДА ЧЕГАРА БИЛМАЯПТИ

Бу йил маҳалламиздан олий таълим муассасаларига 13 нафар абитуриент ўқишга кирди. Эътиборлиси, уларнинг 6 нафарини қизлар ташкил этди.



Бу йил олти нафар қизнинг ўқишга кириши оддий статистика эмас. Унинг ортида **олтида оиланинг йиллар давомидаги умиди, ота-оналарнинг меҳнати, ва энг муҳими, ўз келажагини ўзи танлашга интилаётган қизлар тақдири мужассам...**


Аввалларии қиз боланинг таълими ҳақида гап кетганда, баъзи хонадонларда **“Қиз бола-ку, эрта-индин турмушга чиқади”, “Шунча ўқиб нима қилади?”**, деган ёндашувлар учрар эди. Бугун эса бу фикр секин-аста ўз ўрнини бошқа бир қарашга бўшатиб беряпти: **“Қизим ўқисин, касбли бўлсин, ўз йўлини топсин!”**

Айниқса, оталарнинг қизлари таълимига муносабати ўзгариб бораётгани қувонарли. Қизининг ҳужжатларини олиб, университет излаётган, имтиҳонга тайёргарлиги билан қизиқиб, репетитор ёки ўқув курси учун шароит яратиб бераётган оталар кўпаймоқда. Илгари **“ўғлим ўқиса, оилага ёрдам беради”**, деган фикр устун бўлган бўлса, энди **“қизим ҳам билимли бўлса, эртага оиласига ҳам, жамиятга ҳам наф келтиради”**, деган тушунча кучайган. Менимча, бу — жамиятимиздаги энг муҳим ўзгаришлардан бири.

Давоми 2-саҳифада.

ТАҚДИМОТ

ЯНГИ ДАВР МАҲАЛЛАСИ: РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯДАН — АҚЛЛИ БОШҚАРУВГА!



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида “Рақамли маҳалла”, “Ақлли маҳалла” ва “Mahalla AI” рақамли платформаларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотда маҳалладаги аҳоли, хонадонлар, мурожаатлар ва ҳудуддаги ҳолатга оид маълумотларни бир жойда жамлаш, уларни таҳлил қилиш ва зарур маълумотни тез топиш имкониятлари намойиш этилди. Шу орқали маҳалла ходимига ҳар бир хонадон ва фуқаро билан ишлашда аниқ маълумотга таяниш имкони яратилади.

Тақдимотда сўзга чиққан **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев** бугун маҳалла ходими учун рақамли технологиялар оддий қулайлик эмас, балки кундалик ишнинг муҳим воситасига айланиши кераклигини таъкидлади. Қайд этилганидек, маълумотларни таҳлил қилиш орқали аҳоли мурожаатлари, ишсизлик, ижтимоий муаммолар каби масалаларни олдиндан кўриш ва улар бўйича аниқ чора белгилаш имкони пайдо бўлади.

Айтиш керакки, рақамли платформалар катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлашда маҳалла ходимига ёрдам беради. Масалан, керакли маълумотни излаш, маълумотларни таҳлил қилиш ва мавжуд ҳолат бўйича хулоса шакллантириш каби жараёнларни тезлаштириши мумкин.

Тизимларни ишлаб чиқишда **ахборот хавфсизлиги** ҳам ҳисобга олинган. Фойдаланувчи маълумотлардан фақат ўз ваколати доирасида фойдаланади. **Сунъий интеллектга** эса маълумотлар базасидаги ахборотни ўзгартириш, ўчириш ёки мустақил равишда қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилмаган.

Тақдимотда **платформаларни амалиётга мослаштириш бўйича таклифлар** билдирилди. Хусусан, “маҳалла еттилиги” аъзоларининг тизимлардан фойдаланишини кенгайтириш, мобиль имкониятларни такомиллаштириш, интерфаол хариталарга янги маълумотлар қўшиш йўналишлари белгилаб олинди.

Давоми 2-саҳифада.

МУСОБАҚА

“ОҚ ОВУЛ” маҳалласи — “ДХХ КУБОГИ” соҳиби!

“Давлат хавфсизлик хизмати кубоги” мусобақаси маҳалла ёшларини яна бир бор спорт майдонларида бирлаштирди.



Маҳалла жамоалари ўртасида футбол ва мини-футбол бўйича 2021 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган **“Давлат хавфсизлик хизмати кубоги”** мусобақасининг жорий йилги мавсуми ҳам ўз якунига етди.

Бу йилги мусобақа ҳам республика бўйлаб кенг қамровда ташкил этилиб, минглаб ёшларни спорт майдонларига бирлаштирди. **Апрель-май** ойларида туман ва шаҳарлар босқичлари ўтказилган бўлса, **июнь-июль** ойларида баҳслар вилоят босқичида давом этди. Умуман, мусобақаларда **262 минг нафардан** ортиқ маҳалла ёшлари иштирок этди.

Давоми 2-саҳифада.

5-саҳифа



БИР ЙИЛНИ ЮТИБ, БИР УМРНИ БОЙ БЕРМАНГ!

6-саҳифа



Кўмак қадри керак вақтда билинади

7-саҳифа



Ҳосил мўл бўлса, даромад ҳам, солиқ масъулияти ҳам ортади

8-саҳифа



ХИЗМАТ ЛИБОСИМИЗ ОДДИЙ КИЙИМ БЎЛМАГАН...

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?..”

Ўн йилдирки, иш мароми “Mahalla”сиз ўтгани йўқ...

Комилжон ҚУРБОНОВ,
Қўшкўпир туманидаги “Меҳнатобод” маҳалласи раиси:

— **Маҳалла — юракка энг яқин маскан.** Унда ҳар бир хонадоннинг қувончи, ташвиши, нуронийларнинг дуоси, ёшларнинг орзуси ва фарзандлар кулгуси мужассам. Ана шу ҳаётни сўзга кўчириш, эзгу ташаббусларни оммалаштириш, инсонларнинг ибратли ишларини элга танитиш — газетанинг муҳим вазифаларидан бири.

Мен раис сифатида “Mahalla” газетасини 10 йилдан буён кузатиб бораман. Унинг ҳар бир сонини иштиёқ билан ўқиш асносида фаолиятимни қайта ва қайта таҳлил қиламан. Тизимда рўй бераётган янгилик ва ўзгаришларни айнан шу нашрдан ўқиймиз. Бундан ташқари, “еттилик” ходимларининг тажрибаларини амалга татбиқ этишга ҳаракат қиламиз. Энг муҳими, газетанинг ҳар бир сони ўз вақтида қўлимизга етиб келади. **Шу боис 2027 йил учун биринчилардан бўлиб обунани бошлаб бердик.**





Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентлари тарихий ҳужжат — АБАДИЙ ДЎСТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАни имзолади.



ЎЗБЕКИСТОН ва ҚОЗОҒИСТОН атом электр станциялари хавфсизлиги бўйича ҳамкорлик қилади.



ЎЗБЕКИСТОН ва ОЗАРБАЙЖОН фуқароларига пенсия тайинлашда иш стажи ўзаро ҳисобга олинади.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

МУСОБАҚА

“Оқ овул” маҳалласи — “ДХХ КУБОГИ” СОҲИБИ!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ҳудудий босқичларда муносиб натижа қайд этиб, республика босқичига йўлланма олган **42 та жамоа** пойтахтимиздаги “Бунёдкор” футбол академияси майдонларида бош соврин учун баҳс олиб борди. Муросасиз ва қизғин кечган учрашувларда ёш футболчилар нафақат спорт маҳоратини, балки ўз маҳалласи ва ҳудуди шаънини ҳимоя қилишга бўлган интилишини ҳам намоён этди.

Мини футбол бўйича **ўғил болалар** ўртасида **Қашқадарё вилояти** жамоаси бош совринни қўлга киритди. **Тошкент шаҳри** жамоаси иккинчи, **Наманган вилояти** жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади. **Қизлар ўртасидаги** баҳсларда эса **Тошкент вилояти** жамоаси ғолиб бўлди. **Самарқанд вилояти** ва **Тошкент шаҳри** жамоалари кейинги поғоналарни банд этди.

Мусобақа регламентига кўра, ғолиб жамоа вакиллари истиқомат қиладиган маҳаллага замонавий мини-футбол майдони қуриб берилади. Иккинчи ўрин соҳиблари маҳалласи универсал спорт майдони, учинчи ўринни эгаллаган жамоа маҳалласи эса стритбол майдони билан таъминланади.



Футбол бўйича ҳал қилувчи баҳс Тошкент шаҳридаги “Жар” стадионида бўлиб ўтди. Финалда **Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги “Оқ овул” маҳалласи жамоаси** ҳамда **Бухоро вилояти Пешку туманидаги “Қорақалпоқ” маҳалласи жамоаси** ўзаро куч синашди. Кескин ва муросасиз кечган учрашувда “Оқ овул” жамоаси 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, чемпионликни қўлга киритди. Тошкент шаҳри жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар кубок, диплом, пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Иштирокчиларнинг мусобақадан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида пойтахтнинг диққатга сазовор масканларига саёҳатлар ҳам уюштирилди. Бу эса турли ҳудудлардан келган ёшлар ўртасида дўстлик ва бирдамлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.



ТАҚДИМОТ

ЯНГИ ДАВР РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯДАН



“РАҚАМЛИ МАҲАЛЛА”: ҚОҒОЗДАН — ПЛАТФОРМАГА, ҲИСОБОТДАН — НАТИЖАГА

Фозилбек ЖАҲОНГИРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси “Рақамли маҳалла” платформаси билан ишлаш ва рақамлаштириш бўлими бошлиғи:

— Бугун маҳалла ҳаётини рақамли технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки маҳалладаги ҳар бир хонадон, ҳар бир оила, аҳоли мурожаатлари, ижтимоий ҳолат, бандлик, тадбиркорлик ва ҳудуддаги муаммолар ҳақидаги маълумотлар самарали бошқарув учун муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис **маҳалла тизимини рақамлаштириш —** шунчаки қоғозбозликни камайтириш ёки маълумотларни электрон шаклга ўтказиш эмас, балки маҳалла билан аҳоли ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш, қарорларни аниқ маълумот ва таҳлил асосида қабул қилиш демакдир.

Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги **“Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори** ҳамда 2024 йил 5 февралдаги **“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони** маҳалла тизимини рақамлаштиришда мутлақо янги даврни бошлаб берди.

Ушбу муҳим ҳужжатлар асосида аввал тарқоқ ҳолда фаолият юритган “маҳалла етти лиги”нинг ахборот тизимлари ягона **“Рақамли маҳалла”** платформасига бирлаштирилди. Бу эса, ўз навбатида, инсон омилини камайтириш, шаффофликни таъминлаш, тезкор қарор қабул қилиш, ҳар бир оиланинг ҳолатини манзилли ўрганиш имкониятини яратди.

“Рақамли маҳалла” платформаси орқали ҳар бир хонадоннинг ижтимоий ҳолати таҳлил қилинади; эҳтиёжманд оилалар ўз вақтида аниқланади; ижтимоий ёрдам манзилли етказилади; мурожаатлар ижроси назоратга олинади; ишсиз фуқаролар билан индивидуал иш олиб борилади; ёшлар, хотин-қизлар ва нуронийлар муаммолари тизимли ҳал этилади. Натижада таҳлил сифати ошди, ортиқча қоғозбозлик қисқарди, ҳисоботлар автоматлаштирилди, вақт тежалди, ҳар бир масъулнинг шахсий жавобгарлиги кучайтирилди.

Унинг энг муҳим жиҳатларидан бири — маълумотларни бир-бири билан боғлаб, маҳалладаги ҳақиқий ҳолатни кўриш имконини берганидир. Масалан, хонадонда ишсиз фуқаро борлиги, оиланинг даромади пастлиги, ижтимоий ёрдамга эҳтиёжи ва оила аъзосининг хорижда меҳнат қилаётгани алоҳида-алоҳида маълумот эмас, балки бир оиланинг ижтимоий портретини шакллантирадиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар сифатида таҳлил қилинади. Шу орқали **“кимга ёрдам бериш керак?”**, деган саволдан **“нима сабабдан бу оила ёрдамга муҳтож бўлиб қолди ва уни бу ҳолатдан қандай чиқариш мумкин?”**, деган ёндашувга ўтилди.



Яна бир муҳим жиҳат — маҳалла раисининг иши ҳам рақамли маълумотлар асосида қайта шаклланмоқда. Илгари ҳудуддаги ҳолатни билиш учун кўчама-кўча юриш, бир нечта дафтар ва рўйхатларни солиштириш талаб этилган бўлса, энди муайян кўрсаткичлар бўйича хавф гуруҳидаги хонадонларни ажратиб олиб, профилактик ишни айнан шу манзиллардан бошлаш имкони пайдо бўлди.

Бугунги кунда “Рақамли маҳалла” платформасида 22 та модул ишлаб чиқилган. Жумладан, “Давомат” модули орқали “FaceID” ёрдамида рўйхатдан ўтказиш, локацияни аниқлаш имконияти яратилди, ходимларнинг ишга келиш-кетиш, табель ҳужжатларини юритиш ва иш ҳақи ҳисобланишини шаффофлиги таъминланди. Бу орқали ҳар куни 54 минг нафардан зиёд “еттилик” аъзолари давоматдан ўтяпти.

“Маҳалла баланси” маълумотлари асосида маҳалладаги кўчалар, хонадонлар, оилалар, аҳоли сони, боғча, мактаб, оилавий поликлиника, шифохоналарнинг манзилли рўйхати шакллантирилди. **“Ягона саволнома”** модули орқали аҳоли муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш тизим яратилди. Маҳаллаларда **“Миграция баланси”ни** шакллантириш орқали кам даромад топаётганларни қайтариш, кетиш истагидагиларни касбга ва тилга ўқитиш, хориждан қайтганларнинг ҳолатини мониторинг қилиш тизими ишга туширилди.

“Коллегиал қарорлар” модули орқали ёшларга 34 миллиард сўмлик ёрдам ажратилди. **“Мурожаатлар”** модули орқали келган 18 мингдан ортиқ мурожаат тегишлилиги бўйича давлат ташкилотларига йўналтирилди. **“Маҳаллам — лойиҳам”, “Касб танлови”** ва **“Бандлик дастури”** модуллари орқали маҳаллалардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал этиляпти. “Маҳалла еттилиги” тўлиқ электрон **“Омбор дафтари”**да иш олиб бормоқда, **Маҳаллаларнинг электрон реестри** мунтазам юритиляпти.

Маҳалла кесимида барча маълумотларни шакллантириш, маҳаллани **“ишсизлик”, жиноятчилик”, “оилавий ажралиш”** ва **“камбағаллик”**дан холи ҳудудга айлантириш бўйича тажрибалар алмашиш имконияти яратилди. **“Маҳалла бюджети”**да шаклланган маблағлар йўналтирилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди. **“Ижтимоий маҳалла”** модули орқали “еттилик” ва аҳоли аниқлаган муаммолар масъул ташкилотларга йўналтирилади. Маҳалла раисининг “еттилик”ни **KPI асосида баҳолаш** тизими яратилди.


Умуман олганда, “Рақамли маҳалла” маҳалла ва “еттилик” фаолиятини бир тизимга бирлаштириб, ҳар бир хонадон, ҳар бир муаммо ва ҳар бир мурожаат бўйича аниқ маълумот билан ишлаш имконини берди. Илгари турли рўйхат, дафтар ва ҳисоботларда тарқоқ ҳолда сақланган маълумотлар ягона рақамли майдонга жамланиб, масъулларнинг вазифаси, ижроси ва натижасини кузатиш осонлашди. Энг муҳими, “еттилик” аъзолари бир оиланинг муаммосига турли нуқтадан эмас, ягона маълумот асосида ёндашиб, биргаликда ечим излаш имконига эга бўлди. Натижада маҳаллада ишлаш тезкор, манзилли ва назорат қилинадиган жараёнга айланиб, “муаммони билиш”дан “муаммони аниқлаб, ечимини ташкил этиш”га ўтиш учун замин яратилди.

“MAHALLA AI” — “ЕТТИЛИК”НИНГ

Одилбек ЖУМАМУРОДОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси моддий-техника базани мустаҳкамлаш бўлими бошлиғи:

— **“Mahalla AI” рақамли бошқарув платформаси** мамлакатимиздаги **8 992 та маҳалла** ҳақидаги маълумотларни ягона рақамли муҳитда бирлаштиради. Фойдаланувчи керакли маълумотни мураккаб қидирувларсиз, оддий **ўзбек тилида** савол тарзида киритиб, тезкор жавоб олиши мумкин. Айни пайтда платформада **7 786 нафар** маҳалла раиси рўйхатдан ўтган бўлиб, тизимда фойдаланувчиларнинг вазифа ва ваколатидан келиб чиқиб, 12 та турли роль шакллантирилган.

Платформанинг асосий устунлиги — **сунъий интеллектни маҳалла бошқарувида аниқ маълумот билан ишлайдиган амалий ёрдамчи сифатида қўллаш** имконини бераётганидир.



Масалан, қонунчиликка оид савол берилганда, “Mahalla AI” “Lex.uz” билан интеграция қилинган ҳолда, тегишли фармон, қарор ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни топиб, манбасини кўрсатган ҳолда жавоб беради. Бу масъул ходимга керакли ҳужжатни узоқ вақт қидирмасдан, масаланинг ҳуқуқий асосини тезда аниқлаш имконини яратади.



“РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ ТЎҒРИСИДА”ги қонун қабул қилинди.



Тошкент шаҳар онкология маркази ҳудудида ОЧИҚ ЯШИЛ БОҒ БАРПО ЭТИЛАДИ.



Электрон тижорат операторлари фаолиятини бошлаш ва тугатиш учун ВАКОЛАТЛИ ОРГАННИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ белгиланди.

2026 ЙИЛ
26 АВГУСТ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №68

3

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

МАҲАЛЛАСИ: — АҚЛЛИ БОШҚАРУВГА!



“АҚЛЛИ МАҲАЛЛА” — РАҚАМЛИ БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИ МАНЗИЛИ

Демак, “ақлли маҳалла”, бу — фақат рақамли хизматлар жамланмаси эмас. У маҳалладаги вазиятни аниқ вақт тартибида кузатиш, муаммони олдиндан кўриш ва қарор қабул қилишни аниқ маълумотларга асослашга хизмат қиладиган янги бошқарув моделидир.

**Бобуржон СОБИРОВ,
Урганч шаҳридаги
“Олимпия” маҳалласи раиси:**

— Рақамли технологиялар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб бораётган бугунги кунда маҳалла тизими ҳам замонавий бошқарув усулларидан четда қолмаяпти. Аксинча, аҳолига энг яқин бўлган ушбу бўғинда рақамли имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, муаммоларни тезкор аниқлаш ва уларни барвақт ҳал этишга қаратилган янги ёндашувлар шаклланмоқда.

Тақдимот доирасида ҳудудларда рақамли технологияларни жорий этиш тажрибаси ҳам намойиш қилинди. Хусусан, **“Урганч — ақлли шаҳар” тизими** доирасида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш, шаҳар бошқаруви ва аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнларини автоматлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Бугунги кунда мазкур тизимга **405 та сервис** интеграция қилинган. “Ақлли маҳалла”, сунъий интеллект маркази, “ақлли устун” ва бошқа рақамли ечимлар орқали аҳолига хизмат кўрсатиш, мурожаатларни таҳлил қилиш, ижрони назорат қилиш ҳамда ҳудудлардаги ҳолатни мониторинг қилиш имкониятлари яратилган.

Бу ерда эътиборли жиҳат шундаки, рақамлаштиришнинг асосий мақсади технологияларнинг ўзи эмас. Гап, аввало, инсоннинг вақтини тежаш, хизматни унга яқинлаштириш ва муаммони унинг оқибатлари билан эмас, сабабларини билан бирга аниқлаш ҳақида бормоқда.

Масалан, айни пайтда **“Ақлли маҳалла”** тизими орқали аҳолига мингдан ортиқ давлат хизматлари таклиф этилмоқда. **“SI Robot”** тизими ва **инфокиосклар** фуқароларнинг айрим хизматлардан фойдаланиш учун давлат идораларига бориш зарурятини камайтиряпти.

“Ақлли устун”лар эса аҳоли билан мулоқот қилишнинг яна бир замонавий воситасига айланди. Улар орқали бир ойда 4 мингдан зиёд мурожаатларни қабул қилиш имконияти мавжуд.

Энг муҳими, рақамли технологиялар фақат мурожаатни қабул қилиш билан чекланиб қолмаяпти. Сунъий интеллект ёрдамида мурожаатларни ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш, қайси ҳудудда қандай муаммо кўпайиб бораётганини аниқлаш, уларни тегишли масъулларга йўналтириш ва ижросини назорат қилиш имконияти пайдо бўлмоқда.



РАҚАМЛИ ЁРДАМЧИСИ!

Платформа **ички маълумотлар билан ишлаганда** ҳам умумий тахминга эмас, мавжуд рақамли базалардаги маълумотларга таянади. Шунингдек, 8 992 та маҳалланинг номи ва манзили, “еттилик” вакилларининг маълумотлари каби ахборотларни тезкор тақдим эта олади. Бу, айниқса, бирор ҳудуд бўйича маълумотни аниқлаш, масъул ходим билан боғланиш ёки муайян масала юзасидан маълумот тайёрлашда вақтни тежайди.

“Mahalla AI”нинг яна бир амалий жиҳати — **у фақат маълумот бериб қолмай, фуқаро ёки маҳалла ходимига кейинги қадамни ҳам кўрсатиб беради.** Давлат хизматларидан фойдаланиш тартиби бўйича босқичма-босқич йўриқнома бериш, зарур ҳужжатларни кўрсатиш ва уларнинг манбасини келтириш орқали мураккаб тартибларни оддий тилда тушунтириш имкони мавжуд. Бу маҳалла ходимининг аҳолига бир хил масала бўйича қайта-қайта тушунтириш беришга сарфлайдиган вақтини ҳам қисқартиради.

Платформанинг имкониятлари **ҳужжатлар билан ишлашда** ҳам кўринади. У катта ҳажмдаги ҳужжатни таҳлил қилиб, асосий мазмунини қисқартириши, имло ва услубий хатоларни аниқлаши, матндаги зиддиятли маълумотларни кўрсатиши ҳамда расмий жавоб хати лойиҳасини тайёрлаши мумкин. Яъни ходим ҳужжатни бошидан тайёрлашга эмас, уни текшириш, таҳрирлаш ва мазмунан такомиллаштиришга қўпроқ вақт ажратади.

Сунъий интеллектдан фойдаланишнинг яна бир муҳим йўналиши — **маълумот йиғиш ва уни таҳлил қилиш жараёни.** Масалан, белгиланган ҳудуд ёки масъуллар учун сўровнома шакллантирилиб, электрон тарзда юборилади. Жавоблар йиғилгандан кейин уларни қўлда саралаш ва умумлаштириш ўрнига, тизим маълумотларни таҳлил қилиб, асосий тенденциялар ва муаммоларни акс эттирувчи хулоса тайёрлаши мумкин. Бу юқори турувчи ташкилотларга ҳисобот тайёрлашдан кўра, қайси масалага қаерда ва нима сабабдан аралашиш зарурлигини аниқлаш учун муҳим.

Шу маънода, “Mahalla AI”ни “еттилик” вакиллари учун ўзига хос рақамли иш ёрдамчиси сифатида кўриш мумкин. Масалан, ходим кун давомида бажарган вазифаларини, берилган топшириқларнинг ижросини, ечимини кутаётган масалаларни, иш режаларини ва фотоҳисоботларни тизимга киритиб борса, ой якунида ушбу маълумотлар асосида умумий манзарани кўриш мумкин бўлади: қайси вазифалар бажарилди, қайси масалалар очиқ қолди, қайси йўналишда иш суст кечди ва кейинги даврда нималарга эътибор қаратиш керак.

Бу имкониятлар **“Ақлли бошқарув сервис компанияси”** доирасида янада кенгаймоқда. Электр энергияси, газ ва сув босими, ертўла намлиги, ҳаво сифати, товуш каби кўрсаткичларни кузатиб борувчи замонавий сенсорлар орқали ҳудуддаги ҳолат ҳақида тезкор маълумот олиш мумкин. Бундай рақамли ечимлар орқали **энергия тежамкорлигини 25 фоизгача таъминлаш**, эҳтимолий авария ҳолатларини эса **70 фоизгача олдиндан аниқлаш** имконияти мавжуд.

Бу рақамларнинг ўзиёқ рақамлаштиришнинг маҳалла ҳаётидаги амалий аҳамиятини кўрсатиб турибди. Чунки гап шунчаки янги технологияни жорий этиш ҳақида эмас, балки ресурсларни тежаш, хавфларни камайтириш, хизматларни тезлаштириш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ҳақида кетмоқда.

Шунингдек, тизимда **овозли бошқарув** ва ҳудудларнинг **3D хариталаридан фойдаланиш** имкониятлари ҳам яратилган. Бу эса маҳалла ва шаҳар инфратузилмасини бошқаришда маълумотларни визуал кўринишда таҳлил қилиш, ҳудуддаги ўзгаришларни тезда баҳолаш ва аниқ қарор қабул қилиш имконини беради.

Аслида, “ақлли маҳалла”нинг энг катта афзаллиги — **маълумотга асосланган бошқарув**ни шакллантиришдир. Илгари муаммо ҳақида хабар келиши, уни ўрганиш, масъулни белгилаш ва натижани текшириш учун маълум вақт талаб этилган бўлса, рақамли тизимлар бу жараёнларни бир-бирига боғлаб, тезкор ва шаффоф тартибни яратади.

Бу тажрибанинг аҳамияти шундаки, у аллақачон юқори даражада эътироф этилган. Давлатимиз раҳбари раислигида **2026 йил 16 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида** айнан Урганч шаҳридаги “Олимпия” маҳалласида йўлга қўйилган “ақлли маҳалла” тажрибасини ҳар бир вилоятнинг **10 тадан маҳалласида татбиқ этиш** бўйича топшириқ берилди.

Бу — бир ҳудуддаги алоҳида рақамли лойиҳани оммалаштиришдан кўра кенгроқ вазифа. Зеро, “Олимпия” маҳалласи тажрибаси самарали рақамли бошқарув моделини бошқа ҳудудларда ҳам синаб кўриш, унинг натижаларини баҳолаш ва энг самарали ечимларни оммалаштириш учун муҳим майдон вазифасини бажаради.

Бугун маҳалла фақат аҳоли мурожаатини қабул қиладиган ёки маълумот етказадиган ҳудуд эмас. Ундаги ҳар бир хонадон, ҳар бир кўча, ҳар бир муаммо ва эҳтиёж ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш, ушбу маълумотни таҳлил қилиш ва унинг асосида қарор қабул қилиш даври бошланмоқда.

Шу маънода, **“Ақлли маҳалла” — маҳалланинг рақамли қиёфаси эмас, унинг янги бошқарув фалсафасидир.** Технология эса бу жараёнда инсонга қулай, тезкор, шаффоф ва натижадор хизмат кўрсатишнинг энг муҳим воситасидир. Энг муҳими, бугун бошланган рақамли ўзгаришлар маҳалла ҳаётида бир саволга аниқ жавоб бериши керак: **технология одамнинг ҳаётини қанчалик енгиллаштирди?** “Ақлли маҳалла”нинг ҳақиқий самараси ҳам айнан шу мезон билан ўлчанади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ҚИЗЛАРИМИЗ ҚИЗИҚИШ ВА ИНТИЛИШДА ЧЕГАРА БИЛМАЯПТИ

**Барно ШАҲЗОДАЕВА,
Андижон шаҳридаги
“Маданият” маҳалласи раиси.**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Қиз боланинг таълими фақат унинг шахсий келажаги масаласи эмас. Билимли қиз — эртага билимли она. Касбли қиз — оилада иқтисодий мустақилликка эга шахс. Дунёқараши кенг қиз эса фарзандининг тарбияси, таълими ва келажагига ҳам бошқача ёндашади. Шу маънода, бугун бир қизга берилган таълим имконияти эртага бутун бир оиланинг ҳаётига таъсир қилади.

Маҳаллада ҳам бу борадаги ишларни фақат “қизларни ўқишга киритиш” билан чеклаб қўймаслик керак, деб ҳисоблайман. Чунки ҳаммасининг ҳам олий таълим олиш имконияти бир хил эмас. Кимдир университетга киради, яна кимдир касб-ҳунар ўрганади, тил ёки компьютер саводхонлигини оширади, тадбиркорликни бошлайди. Муҳими — қизлар ўз қобилияти ва қизиқишига мос йўналишни топа олсин.

Шунинг учун маҳаллада қизлар билан ишлашда **“Қайси соҳада ўзингни кўряпсан?”**, деган савол муҳим роль ўйнаши керак. Бугун ахборот технологияларини ўрганаётган, тиббиётга қизиққан, хорижий тилларни ўзлаштираётган, ҳуқуқ, дипломатия, молия ва замонавий касбларга интилаётган қизларнинг танловини “қиз болага мос касб эмас”, деган эски қолипларга солмаслик лозим. Қизиқиш ва қобилият жинс танламайди.

Маҳалламизда бунинг учун мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланяпмиз. Қизларни бепул касб-ҳунар, тил курслари ва спорт тўгаракларига жалб этганмиз, ўқишга тайёрланаётганлар учун маҳалла даражасида маслаҳат тизими йўлга қўйилган, университет талабалари билан абитуриент қизлар ўртасида “тенгдошдан-тенгдошга” мулоқотлари ташкил этилади.



Айниқса, маҳалламизда олийгоҳда ўқиётган қизларнинг ўз тажрибасини бошқалар билан бўлишиши жуда муҳим. Чунки баъзан қизларга маслаҳат ва насиҳатдан кўра, ўзидан бир неча ёш катта опасининг **“Мен ҳам сендек қўрққанман, лекин ҳаракат қилдим ва ўқидим”**, деган бир оғиз гапи кучлироқ таъсир қилади. Шу боис бу тажрибани барча маҳаллаларда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Яна бир муҳим масала — ота-оналар билан ишлаш. Уларда қизининг таълимига сарфланган маблағни инвестиция сифатида кўриш маданиятини шакллантиришимиз керак. Бунинг учун маҳаллада муваффақиятга эришган қизлар, олима ва мутахассислар, тадбиркор аёллар билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг ҳаётий йўлини ёшларга кўрсатиш мумкин.

Бугун маҳалламиздан 15 нафар қиз олий таълимга киргани биз учун қувончли натижа. Эртага бу қизлар орасидан дастурчи, шифокор, дипломат, муҳандис, тадбиркор, олимлар етишиб чиқишига ишонаман. Ўз навбатида ***қизлари ўқиган маҳаллада фақат дипломлар кўпаймайди, фикрлайдиган, касбли, мустақил ва масъулиятли авлод вояга етади.***



Гулистон туманидаги 6 та маҳаллада 738 миллион сўм маблағ эвазига ТОМОРҚА МАЙДОНЛАРИНИ СУҒОРИШ УЧУН МАХСУС СУВ НАСОСЛАРИ ўрнатиляпти.



Гурлан туманидаги маҳаллаларда ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ масалаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.



Чуст туманидаги “Кўктош” маҳалласининг ТОМОРҚА ОРҚАЛИ ОИЛАВИЙ ДАРОМАДНИ ОШИРИШ тажрибаси туман миқёсида оммалаштирилди.

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

Уй бозорида **“ФИРИБГАРЛАРГА АЛДАНИБ ҚОЛДИМ”,** деган эътироз бўлмайди

...Яқиндагина уйланиш арафасида турган, йиллар давомида топган-тутганини йиғиб юрган Шоҳрухнинг бир рекламага кўзи тушиб қолди. Бошланғич тўловсиз, 5 йилга фоизсиз насия “рассрочка” асосида шинам хонадонлар таклифи унга айни муддао туюлди. Хурсанд бўлиб юридик хизмат кўрсатувчи операторлар орқали шартнома имзолади. Аммо орадан икки йил ўтиб, қурилиш тўхтаб қолди. Хонадонлар нархи эса икки баробар ошиб кетди. Танишим на уйли бўлди, на пулини қайтариб ололди...

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Бу каби аянчли ҳаётий воқеалар бугун минглаб юртдошларимиз бошидан ўтмоқда. Айнан мана шундай фирибгарликлар ва яширин молиявий тузоқларга чек қўйиш мақсадида насия савдоси хизматларини тартибга солишга оид **“Аҳолига муддатли тўлов хизматлари кўрсатилишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори** имзоланди.

Унга кўра, 2027 йил 1 январдан муддатли тўлов хизмати операторлари фаолияти тартибга солинади. Қарорнинг 3-банди “д” кичик бандига кўра, энди воситачи-оператор сизга уйни “рассрочка”га олиб бера олмайди. Аммо қурувчининг ўзидан уй-жойни “рассрочка”га олишингиз мумкин. Қарор қурувчи ва харидор ўртасидаги бевосита савдони тақиқламайди.

Муҳими, насия савдо (бўлиб-бўлиб тўлаш) бозорида кескин чегаралар ўрнатилди. Жумладан, шартнома энг кўпи билан 12 ойгача тузилиши мумкин. Унинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 бараваридан, яъни ҳозирги ҳисобда 110 миллион сўмдан ошмайди.



ФИКР

Бу қарор нима учун қабул қилинди? Энг аввало, фуқароларни молиявий тузоқлардан ҳимоя қилади. Чунки кўпгина норасмий “рассрочка” берувчи юридик шахслар фоизсиз савдо ниқоби остида халқни алдаб, шартнома ичига катта миқдордаги яширин устама ва пеняларни яширишган.

Қолаверса, аҳолининг ҳаддан ташқари қарздор бўлиб кетишининг олди олинади. Марказий банк таҳлилларига кўра, қарзи бор аҳолининг қарийб ярми ўз даромадининг 50 фоиздан кўпини кредит ва насия савдога сарфламоқда. Бу эса оилалар бюджетининг инқирозига олиб келяпти.

Шунингдек, хуфёна иқтисодиётга чек қўйилади. Яъни, кўчмас мулк бозорида накд пул ёки назоратсиз насия шартномалари орқали миллиардлаб сўмлик маблағлар соликдан яширинишининг олди олинади.

Янгилик давлат ва оддий халқ учун ҳам бир қатор афзалликлар тақдим этади. Жумладан, истеъмолчи ҳуқуқларининг қатъий ҳимояси таъминланади. Уй-жой олди-сотдиси фақат расмий банк тизими, ипотека кредитлари ёки қатъий назорат остидаги шаффоф молиявий воситалар орқали амалга оширилади. Бу эса “уй ҳам йўқ, пул ҳам йўқ” қабилидаги фирибгарликларни йўқ қилади.

Хулоса қилиб айтганда, бу ислоҳот кўчмас мулк бозоридаги “ўйновчи” нархларни туширишга ва оддий халқни катта йўқотишлардан асрашга хизмат қилади. Қонунийлик бор жойда эса доим барака ва хотиржамлик бўлади.

ЭЪТИРОФ

Инсон ҳаётида шундай синовли лаҳзалар бўладики, улар ё сизни бутунлай синдиради, ёки ичингиздаги асл кучни уйғотиб юборади.

СИНОВЛАРДА СИНМАГАННИ ТАҚДИР ЎЗИ СИЙЛАРКАН

Термиз шаҳридаги “Турон” маҳалласида яшовчи якка тартибдаги тадбиркор Фурқат Қурбоновнинг ҳаёт йўли — жисмоний чекланишлар руҳнинг чексиз имкониятлари қаршисида ожиз қолишига энг гўзал ва таъсирли мисолдир.

— *Ҳаёт Фурқатни жуда эрта синовдан ўтказди,* ***— дейди “Турон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Гўзал Холбоева.*** *— Бор-йўғи 11 ёшида унда зўрайиб борувчи мушаклар касаллиги кузатилди. Тенгдошлари югуриб, копток ортидан қувиб юрган бир пайтда, у ҳаракатдан қолди. Кўпчилик бундай вазиятда тушкунликка тушиши, тақдирга тан бериши табиий эди. Бироқ унда тана аъзолари заифлашган бўлса-да, яшашга ва ғалаба қозонишга бўлган иштиёқ ҳеч қачон сўнмади. Маҳалла аҳли қалбидаги оловни биринчи бўлиб пайқади ва елкадош бўлди. Режалари, тадбиркорликка бўлган қизиқишини ўрганган “еттилик” тўғри йўл кўрсатдик. Унга имтиёзли кредит ажратилди, янги имкониятлар эшиги очилди. Маблағга Хитойдан замонавий электр печ харид қилди ва ўз уйида нон ҳамда нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.*

Фурқат Қурбоновнинг фаолияти шунчаки ўзини боқиш учун қилинган ҳаракат эмас. Бугун унинг корхонаси маҳалладаги яна 5 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаб келмоқда. Ўзи кўмакка муҳтож бўлган инсон бугун бешта оилага даромад манбаи яратиб берди. Ҳозирги кунда корхонанинг соф ойлик даромади 15 миллион сўмни ташкил этади.



Қилинган меҳнат, тинимсиз интилиш ва энг муҳими, матонат ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди. Тадбиркорлар куни муносабати билан Президент фармонига мувофиқ, Фурқат Қурбонов юксак давлат мукофоти — “Жасорат” медали билан тақдирланди.

— *Президентимиз эътиборларидан янада руҳландим* ***— дейди Фурқат Қурбонов.*** *— Дўстона ва қўллаб-қувватловчи муҳит туфайли бугун ўзимни жамиятнинг тўлақонли ва керакли аъзоси сифатида ҳис қиляпман.*

Бу ҳаётий мисол бугун тўрт мучаси соғ бўлатуриб, “иш йўқ, шароит йўқ”, деб нолийдиган инсонлар учун сабоқдир. Англаганингиздек, тўғри маслаҳат ва молиявий кўмак бир инсон тақдирини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Муваффақият калити оёқ-қўлда эмас, қалбда ва юракдаги қатъиятдадир!

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

Иқтисодий жиҳатдан МУСТАҚИЛ ВА ФАОЛЛАР КЎП



Тонг саҳарлаб қай бир хонадонга кирсангиз, бир маромда ишлаётган дастгоҳ овозини эшитасиз. Бу шунчаки шовқин эмас, балки оилага кириб келаётган барака, ҳалол ризқ ва фаровонлик садосидир.

Хуршиджон КИМСАНОВ, Ўзбекистон туманидаги “Ойимчақақир” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.



Бугун маҳалламизда яшовчи аҳоли учун бу товуш аллақачон кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Ҳамжиҳатлик ва ташаббускорлик сабаб, юзлаб инсонларнинг нафақат бандлиги таъминланди, балки уларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ҳам ортди.

Икки минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда катта ишлаб чиқариш тармоғи йўлга қўйилган, десак муболаға бўлмайди. Айни пайтда 20 дан ортиқ хонадон ўз уйида елим халта маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Энг эътиборли жиҳати, бу жараён рўзғор юмушларидан ажралмаган ҳолда, оилавий тадбиркорлик тарзида олиб бориляпти. Натижада хонадонлар ҳар ойда 5-6 миллион сўмгача қўшимча даромад топиб, рўзғорини бутламоқда.

Шу юмуш ортидан барака топаётган оилалар мисолида бошқалар ҳам руҳланмоқда, уларнинг сафига қўшилмоқда. Ҳуснидахон Ғойибназарованинг асли касби шифокор. Кун бўйи эл хизматида бўлиб, инсонлар саломатлигини тиклашга ҳисса қўшади. Уйига қайтгач, вақтини беҳуда ўтказмайди. Кичик дастгоҳ унга фаолиятидан ташқари қўшимча даромад келтирмоқда. Бу эса хотин-қизларнинг нафақат жамиятда, балки оилада ҳам иқтисодий жиҳатдан мустақил ва фаол бўла олишига ёрқин исботдир.

Тизимнинг муваффақиятли ишлашига асосий сабаб — занжирли усулдаги ҳамкорликдир. Яъни, кичик корхона хонадонларга тайёр хомашёни етказиб беради. Оила аъзолари эса уни қайта ишлаб, маҳсулот тайёрлаб, корхонанинг ўзига топширади. Уни қаерга сотиш, харидор излаш муаммоси йўқ. Тайёр маҳсулот шу заҳоти қайта қабул қилиб олинади. Мазкур жараён маҳаллада касаначиликнинг янги босқичини бошлаб берди. Уйда ўтирган ўнлаб хотин-қизларни доимий иш билан таъминлади. Албатта, эзгу ишлар шу билан тўхтаб қолмайди. Маҳалладаги ижобий ўзгаришлар раҳбарият ва маҳалла фаолларини янги мақсадлар сари ундамоқда. Режалар улкан. Кейинги босқичда касаначилик кўламини янада кенгайтириш, эҳтиёжманд ва қўмакка муҳтож 20 та оилага имтиёзли кредит ажратиш кўзда тутилган. Бу орқали янги иш ўринлари яратилиб, камбағалликни қисқартириш борасида катта қадам ташланади.

Тажриба шуни кўрсатдики, чин дилдан қилинган ҳаракат ва ташаббус ҳар қандай ҳудудни ривожлантириши, оилаларга қут-барака олиб кириши мумкин. Биргина кичик дастгоҳ бугун нафақат бир хонадонни, балки бутун бошли маҳаллани фаровонлик сари етаклаётгани фикримизга ёрқин мисол.

ТАШАББУС

“ТИЛЛО ЗАХИРАСИ”ДАН ҲЕЧ КИМ ЗАРАР КЎРГАНИ ЙЎҚ

Маҳаллада қадимдан ҳар бир хонадоннинг ўз “тилло захираси” бўлган. 600 та хонадоннинг 470 таси, яъни деярли бутун қишлоқ авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий ҳунармандчилик — қовун қоқи тайёрлаш билан шуғулланади.

Суҳроб АЗИМОВ, Ховос туманидаги “Оқчангал” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.



Бироқ, шу пайтгача бу сермашаққат меҳнат ортидан топилаётган даромад кутилганидек эмасди. Яқин-яқингача қовунлар очиқ ҳавода, оддий дорларга осиб қуритилар эди. Бу усулнинг машаққати кўп бўлиб, кутилмаган ёмғир, чанг-тўзон ёки ҳашаротлар ҳафталаб қилинган меҳнатни бир зумда чиппакка чиқариши ҳеч гап эмасди. Очиқ ҳавода қуриган қовун қоқилари замонавий санитария талабларига жавоб бермагани боис, жуда арзон нархда, фақат маҳаллий бозорларда сотилар, хорижга экспорт қилиш ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўларди. Дунё бозори эса тоза, сифатли ва чиройли қадоқланган маҳсулотни талаб қилади.

Бугун мазкур “драйвер” мутлақо янги, замонавий босқичга чиқмоқда. Эскича усуллардан воз кечиб, жаҳон талабига мос маҳсулот ишлаб чиқариш вақти келди. Айни пайтда “еттилик” ташаббуси билан катта тажриба бошланди. Иккита хонадонда махсус замонавий иссиқхона қуриб бердик. Кўмакка нафақат маҳаллий олимлар, балки хорижлик мутахассислар ҳам таклиф этилди. Улар қовун қуритишнинг машҳур “Хитой усули” сир-асрорларини ўргатишмоқда. Бу усул орқали қовун табиий рангини, фойдали витаминларини ва бетакрор таъмини тўлиқ сақлаб қолади. Энг муҳими, жараён мутлақо ёпиқ ва тоза муҳитда кечади.

Янгилик маҳалла аҳли учун ҳақиқий бурилиш нуқтаси бўлди. Синовдан ўтаётган ушбу хонадонларда тайёрланаётган илк замонавий қоқилар ўзининг кўриниши ва сифати билан ажралиб турибди. Энди оқчангалликларнинг маҳсулоти халқаро кўргазмаларга чиқишга, Европа ва Осиё бозорларини забт этишга тайёр. Бу эса ҳар бир оиланинг даромади бир неча баробарга ортишидан дарак беради. Ташаббус шуни кўрсатмоқдаки, миллий қадрият ва анъаналарни замонавий технологиялар билан бирлаштиргандагина ҳақиқий иқтисодий мўъжиза яратиш мумкин. Тез орада бу тажриба маҳалладаги қолган 400 дан ортиқ хонадонга ҳам ёйилади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Техникумлар билан ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ЙЎЛГА ҚЎЙГАН ҲАМДА БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАГАН ташкилотларга кредит берилади.



Самарқанд шаҳри 15-28 сентябрь кунлари 46-БУТУНЖАҲОН ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИГА мезбонлик қилади.



ЎҚУВ МАРКАЗИ БОР ЁШ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН бино ижараси ва жиҳозлар харажатини давлат ҳисобидан қоплаш имконияти яратилди.

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

ТЕНГДОШ ТЕНГДОШИГА ТАЪСИР ҚИЛГАНИ — ЮТУҚ!



Таълим масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Икки нафар ёш мобилография йўналишида ўқитилди. IELTS сертификатини қўлга киритган ёшларимиз эса ҳафтада бир марта тенгдошларига бепул билим бериш учун кичик курслар ташкил этган. Маҳалламиздаги ўқув марказларида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларидан 5 нафаргача бепул таълим олиш имконияти яратилган. Бундан ташқари, тикувчилик, компьютер саводхонлиги каби йўналишларга қизиққан ёшлар учун ҳам имконият излаяпмиз. Шу тариқа йил бошидан буён 20 нафардан зиёд ёшга турли масалаларда амалий ёрдам кўрсатишга муваффақ бўлдик.

Ёшлар етакчиси сифатида фаолиятимни бошлаганимда, аввало, эътибордан четда қолиши мумкин бўлган, “оғир” тоифага киритилган ёшлар билан ишлашни ўзимга устувор вазифа қилиб олдим.

Зиёда СОБИРОВА,
Олмалиқ шаҳридаги Увайсий номидаги маҳалла ёшлар етакчиси.

Чунки бундай йигит-қизларга шунчаки “рўйхатда турибди”, деб қарашнинг ўзи етарли эмас. Уларнинг муаммосини билиш, қизиқишини топиш ва энг муҳими, ўзига бўлган ишончини қайтариш керак.

Йил бошида маҳалламизда “оғир” тоифага олинган 6 нафар ёш бор эди. Уларнинг айримлари ишсиз, айримларининг оилавий шароити мураккаб эди. **Биз улар билан алоҳида ишладик. Кимнингдир қўлида ҳунар борлигини кўрдик, кимнингдир тадбиркорликка қизиқишини қўллаб-қувватладик.** Натижада уларни тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка йўналтириб, бандлигини таъминлашга эришдик.

Масалан, Зарнигор Умиджонованинг ҳаёти мен учун бу ишнинг мазмунини яққол кўрсатиб берди. У ишсиз эди, оилавий шароити ҳам оғир. Оилада онаси ва укасининг таъминоти ҳам, асосан, унинг зиммасида. Зарнигорда гўзаллик соҳасига қизиқиш ва бу йўналишда ишлаш истаги бор экан. Биз у билан биргаликда имкониятларини ўргандик, имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашдик. Бугун у ўзининг гўзаллик салонини ишга тушириб, нафақат ўз оиласига даромад манбаи яратди, балки ўз меҳнати билан келажагини қуришни бошлади.

Айни пайтда маҳалламизда ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг янги йўналишларини йўлга қўймоқдамиз. Жумладан, сардорлик йўналиши ташкил этилиб, 14 нафар фаол ёшни сардор сифатида жалб қилдик. Уларнинг ташаббусларини кенгроқ тарғиб қилиш учун ижтимоий тармоқларда **“Увайсий сардорлари”** саҳифасини ҳам очдик. Унда ёшлар ҳаёти, уларнинг фаолияти, фойдали ташаббуслар ва турли видеороликлар мунтазам ёритиб борилмоқда. **Мақсадимиз — ёшларни ўз тенгдошларига таъсир кўрсата оладиган фаол кучга айлантириш.**

Баъзан ёшларга иш керак бўлади, баъзан ўқиш, баъзан эса шунчаки уни тинглайдиган одам. **Шу сабабли маҳалламизда психологик кўмак йўналиши ҳам йўлга қўйилган.** Тушкунликка тушган ёшлар ёки хотин-қизлар учун мутахассис иштирокида суҳбатлар ташкил этилиб, зарур психологик ёрдам кўрсатилмоқда.

Ёшлар билан ишлаш фақат ўқиш ёки бандлик билан чекланмайди. Маҳалланинг ободлиги ҳам ёшларнинг тарбияси ва фаоллигига бевосита боғлиқ. **“Обод маҳалла — обод юрт” ғояси** асосида “Эко-блогинг” ташаббусини ўтказдик. “Яшил макон” сардорларимиз бошчилигида гуруҳлар тузилиб, маҳаллани тоза сақлаш бўйича чорловлар ташкил этдик. Ким кўпроқ чиқинди йиғиб, маҳалла ободлигига ҳисса қўшса, уни рағбатлантирдик.

Яна бир ташаббусимиз — **“Бир марта кўмак” лойиҳаси** бўлди. Ҳашар ва кўмак тадбирлари орқали эҳтиёжманд, ҳолидан хабар олишга муҳтож оилалар ва инсонларни йўқладик. Чунки маҳалладаги бирдамлик фақат йиғилишларда эмас, кимнингдир эшигини қоқиб, “Сизга қандай ёрдам керак?” деб сўраган пайтда билинади.

ЁШЛАР НИГОҲИДА

Маҳаллага эндигина келганимда, биринчи навбатда, ўзимга “Ёшлар учун бу ерда қандай имкониятлар бор?”, деган саволни бердим. Шу ниятда маҳалла ҳудудини кўздан кечирдим. Афсуски, болалар ва ёшлар учун вақтини мазмунли ўтказадиган, спорт билан шуғулланадиган, машғулотлар ўтказадиган муносиб жой деярли йўқ эди.




Сардор НАБИЕВ,
Зафаробод туманидаги “Бўстон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Кеча чанг-тўзонда, БУГУН ЯНГИ МАЙДОНДА...

Айниқса, болалар майдончасининг ҳолати мени ўйлантирди. Бир пайтлар болалар қувонч билан ўйнаган жой анча қаровсиз қолган, эски жиҳозлари яроқсиз ҳолга келган эди. Ишдан чиққач, ёшлар тўпланадиган ўйин майдонига бориб, уларни кузатардим. Чанг-тўзон ичида, ноқулай шароитда бўлса ҳам, тўп ортидан қувиб, бор иштиёқи билан ўйнаётган болаларни кўриб, “Шу ёшларнинг шароити яхши бўлса, ичидан ҳали чемпионлар чиқади”, деган фикр кўп хаёлимдан ўтарди.

Бу фикримни маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчисига айтдим. Улар ҳам таклифимни қўллаб-қувватлаб, ишни бошлашга кўмаклашди. Бугун эса кечаги гаплар амалий натижага айланди. Узоқ йиллар таъмирталаб ётган болалар майдончаси тўлиқ реконструкция қилиниб, замонавий ва хавфсиз ўйин жиҳозлари ўрнатилди. Унинг ёнида ёшлар учун воркаут спорт майдончаси ҳам барпо этилди.

Энг катта натижа эса майдончанинг ўзгаргани эмас, ёшларнинг кўзидаги қувонч бўлди. Кеча чанг-тўзонда тўп тепиб юрган болалар бугун янги майдонда янада қўпайиб, завқ билан машғулот қилмоқда. Баъзан катта ўзгаришлар ҳам биргина “бу ёшлар учун яхшироқ шароит бўлса эди” деган оддий истакдан бошланади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

ОҒРИҚ

Ўқишга кириш олдидан ҳар бир оилада ҳаяжон бўлади. Фарзанд ойлар давомида тайёрланади, ота-она эса унинг келажагини ўйлаб, қўлидан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилади.

БИР ЙИЛНИ ЮТИБ,
БИР УМРНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Аммо баъзан шу истакнинг ўзи нотўғри қарорга етаклайди. “Болам ўқишга кирса бўлди”, деган ният “қандай қилиб бўлмасин, ўқишга киритиш керак”, деган фикрга айланади. Ана шундан кейин билимнинг ўрнига пул, меҳнатнинг ўрнига таниш-билиш излана бошлайди.

Яқинда Қорақўл туманида ўтказилган тезкор тадбирда шундай ҳолат аниқланди. Фуқаро Х.Т. бир талабанинг ишончига кириб, гўёки Қозоғистондаги олий ўқув юртларидан бирида 1-3-босқичларда ўқиганини тасдиқловчи қалбаки ҳужжатларни тайёрлаб, уни Бухоро инновацион таълим ва тиббиёт университетининг тиббиёт йўналишига 4-курсдан ўқишга киритиб беришини ваъда қилган. Бунинг эвазига 26 миллион сўм олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Пойтахтда ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз берган. Муқаддам судланган шахс фуқаролардан Тошкент давлат иқтисодиёт университетига ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, 20 минг АҚШ доллари талаб қилган. У 13 минг долларни олган вақтида қўлга тушган.

Бу икки ҳолатни фақат фирибгарлик сифатида кўриш камлик қилади. Чунки фирибгар ёлғон ваъда беради, аммо унинг гапига ишонадиган одам бўлмаса, бу ёлғон амалга ошмайди. Демак, муаммо фақат пул олаётган одамда эмас, ўқишга киришни билим ва меҳнат ўрнига моддий маблағ билан ҳал қилиш мумкин, деган қарашнинг пайдо бўлаётганида.

Бу ерда ота-онанинг хатоси ҳам бор. Фарзанд пул топмайди, албатта, аммо маблағни унинг учун ота-она беради. Улар фарзандини қийналмасин, бир йилини йўқотмасин, тенгдошларидан ортда қолмасин, деб шундай йўл тутиши мумкин. Лекин яхши ният билан қилинган бу иш болага бошқа бир сабоқни ҳам бериб қўяди: **мақсадга меҳнат билан эмас, имконият ёки пул билан етиш мумкин.** Бола бугун ўқишга кириб олиши мумкин, аммо эртага ҳаётнинг бошқа бир синовида яна кимнингдир пулига ёки “танишига” суянишни кутиб қолиши ҳеч гап эмас.

Аслида, фарзанднинг ўқишга кира олмагани оиланинг уяти эмас. Аммо унинг ўрнига йўл сотиб олишга уриниш жамият учун анча оғир оқибат туғдиради. Айниқса, тиббиёт, иқтисодиёт, ҳуқуқ каби соҳаларда бу масала янада жиддий. **Билимсиз олинган диплом бир кишининг эмас, бошқаларнинг ҳам тақдирига таъсир қилиши мумкин.**



ИБРАТ

МУТОЛААГА МУҲАББАТНИ
НАМУНАЛИК УЙҒОТАДИ

Аёлим ҳам, мен ҳам мактабда ўқитувчимиз. У психолог, мен жисмоний тарбия фанидан дарс бераман. Бўш вақтимизда китоб мутолаа қилиш эса иккимизни бирлаштириб турадиган севимли машғулот. Менда китобга меҳр болаликдан шаклланган. Оила қургач, мутолаа уйимизнинг доимий ҳамроҳига айланди.

Алишер АЗАМАТОВ,
Хонқа туманидаги “Дўрмон” маҳалласи.



Турмушимизнинг дастлабки йилларида ёшлар етакчисининг тавсияси билан “Биз — китобхон оиламиз!” танловида қатнашдик. Илк уринишимизда совриндор бўлолмадик. Чунки китобни севиб ўқийдиган, билимли оилалар кўп эди. Шунга қарамай, ўша иштирокнинг ўзи бизга бошқа бир ютуқ берди — китобга бўлган қизиқишимиз янада кучайди.

Бу йил яна уриниб кўришга аҳд қилдик. Хонқа туманидаги Ахборот-ресурс марказида ўтган туман босқичида машҳур асарлар юзасидан билимимизни синаб, биринчи ўринни эгалладик ва вилоят босқичига йўлланма олдик. Вилоят босқичида бизга бироз омад етишмади. Аммо бу сафарги натижани мен ютқазиш, деб қабул қилмадим. Чунки танлов бизга китоб ўқишнинг яна бир самарасини кўрсатди.

Мактабда танловнинг туман босқичидаги муваффақиятимиз ва вилоят босқичидаги иштирокимиз ҳақида ҳамма хабардор бўлди. Ўқувчиларимнинг менга қараши, ҳамкасбларимнинг муносабати ўзгарганини сездим. Директор ўринбосари сифатида ёшлар билан китоб ҳақида суҳбатлашишга ҳам кўпроқ имкон топдим. Энди баъзан мактаб кутубхонасида уларни йиғиб, ўқиган асарларимдан энг таъсирли воқеаларни айтиб бераман. Улар эса кўзларини бир нуқтага тикиб, жим тинглашади.

Шунда бир нарсани чуқурроқ англадим: ёшларга китоб ўқишни буюришдан кўра, китобнинг завқини ўзинг кўрсатиб бериш кучлироқ таъсир қилади. Ўқувчи устозининг гапидан олдин унинг ҳаёт тарзига қарайди. Агар сиз унинг ортидан эргашишини истасангиз, аввало, ўзингиз эргашадиган қадриятга эга бўлишингиз керак. Мен учун китоб ана шу қадриятга айланди.

Яна бир жиҳати бор. Бундай воқеаларни кўрган бошқа ёшлар ҳам хулоса чиқаради. Кимдир “демак, пул бўлса, йўл топилади”, дейди. Яна кимдир ойлар давомида китоб ўқиб, имтиҳонга тайёрланаётган тенгдошига қараб, “ҳақиқат йўқ экан”, “нега мен ҳам пул бериб кирмайман?”, деб ўйлаши мумкин. Мана шу фикрнинг ўзи хавфли. **Чунки жамиятда меҳнат қилган одам эмас, йўлини топган одам ютади, деган қараш кучайса, билимга муносабат ҳам ўзгаради.**

Шунинг учун бу муаммога фақат фирибгарларни ушлаш орқали жавоб бериб бўлмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бундай ҳолатларни аниқлаши ва қатъий чоралар кўриши керак. Таълим муассасалари эса ёшлар ва ота-оналар билан “ўқишга киритиб қўяман”, деган ваъдаларнинг асл моҳияти ҳақида кўпроқ гаплашиши лозим. Энг муҳими, оилада фарзандга муваффақиятнинг қиймати ҳам тушунтирилиши керак: **осон топилган натижа ҳар доим ҳам ҳақиқий ютуқ эмас.**

Ота-она фарзандининг йўлини текислаб бериши мумкин, лекин унинг ўрнига ҳаёт кечира олмайди. Бир марта пул билан ҳал қилинган муаммо кейинги муаммоларни ҳам шу йўл билан ҳал қилишга ўргатиши мумкин. Шунинг учун фарзандга бериладиган энг катта имконият — тайёр йўл эмас, ўз йўлини меҳнат, билим ва сабр билан топиш қобилиятидир.

Зеро, бугун гап фақат бир боланинг ўқишга кириши ҳақида эмас. Гап эртага қандай мутахассислар, қандай ота-оналар ва қандай жамият бўлиб шаклланишимиз ҳақидадир.



Ижтимоий реестрдаги оилаларга КЎМИР ХАРИДИ УЧУН 600 МИНГ СЎМГАЧА компенсация берилади.



Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Ренессанс” оромгоҳида “РЕСПУБЛИКА ИНКЛЮЗИВ IT-ОРОМГОҲИ” ўз ишини бошлади.



Ўзбекистонда ТЎЛИҚ ИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛМАГАН ЯНГИ ПЕНСИОНЕРЛАР УЛУШИ 61 фоизга етди.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Ижтимоий ходим учун энг катта мукофот — инсонлар юзидаги қувонч ва эртанги кунига ишонч. Миришкор туманидаги “Миришкор” маҳалласи ижтимоий ходими Малика Аминова ҳам ўз фаолиятида ана шу мақсадга таяниб ишламоқда. У 2024 йил ноябрь ойидан буён маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли билан ишлаб келмоқда.

Эшик қоқилган жойда УМИД ПАЙДО БЎЛАДИ



Ҳудудда 3 974 нафар аҳоли истиқомат қилади. Сўнгги икки йилда 48 та оила билан индивидуал ижтимоий иш йўлга қўйилиб, уларга эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда хизматлар кўрсатилмоқда.

Шундай оилалардан бири 28 ёшли II гуруҳ ногиронлиги бўлган Дилшод Қўчқоров оиласидир. Унинг саломатлиги билан боғлиқ муаммолари туфайли даволаниш ва моддий ёрдамга эҳтиёжи бор эди. Оиланинг ҳолати ўрганилиб, “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва моддий ёрдам ажратилди. Оила Ижтимоий реестрга киритилиб, бола нафақаси тайинланишига кўмаклашилди.

Шунингдек, у “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида уйда қараб туриш хизмати билан қамраб олиниб, онаси Муҳаббат опа унга қараб туриш учун бириктирилди. Онасига ҳам 20 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилиб, вилоят кўп тармоқли шифохонасида даволанишига йўлланма берилди.

Айни пайтда Қўчқоровлар оиласи давлат таъминотидаги оилалар рўйхатида. Уларнинг ҳолати мунтазам кузатиб борилмоқда. Зеро, ижтимоий ходимнинг бир ташрифи — бир оилага умид, бир амалий кўмаги эса янги имконият эшигини очиши мумкин.

МУЛОҲАЗА

Инсон қадри, аввало, унинг имконияти эмас, салоҳиятига қараб баҳоланиши керак. Ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳам касб эгаллаш, даромад топиш, ўз қобилиятини намоён этиш ва жамиятнинг фаол аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга.

ИШ ЎРНИДАН КЎРА, ИМКОНИЯТ МУҲИМРОҚ

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Бугун бу йўналишда ҳуқуқий асослар ва зарур тизимлар яратилмоқда. Хусусан, 2026 йилда айрим давлат ташкилотлари ҳамда йирик корхоналарда ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли учун лавозимларни захиралаш тартиби белгиланган. Давлат ташкилотларида захираланадиган ўринлар ходимлар умумий сонининг 7 фоизидан, тегишли хўжалик юритувчи субъектларда эса 3 фоизидан ошмаслиги назарда тутилган.

Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор: **ажратилган ўриннинг ўзи бандликни англатмайди.** Кўп ҳолларда натижа квота ва қабул қилинганлар сони билан ўлчанади. Аммо асосий савол очиқ қолади: **бу одамлар учун қандай шароит яратилди?**

Агар бинога кириш учун зинадан чиқишга тўғри келса, аравача ҳаракати учун мос муҳит бўлмаса, кунлик вазифалар саломатлик ва функционал ҳолатга мослаштирилмаса, бундай квотанинг амалий аҳамияти қанчалик? Назаримизда, айни шу масалалар устида бош қотириш вақти келди.

Айрим иш берувчиларда ногиронлиги бўлган фуқарони қабул қилиш ҳануз “имтиёз бериш” сифатида қаралади. Ваҳоланки, гап имтиёзда эмас, тенг шароит яратишдан иборат.

Меҳнат бозори тез ўзгармоқда. Рақамли технологиялар, хизмат кўрсатиш, ҳунармандчилик, масофавий фаолият ва онлайн савдо каби соҳалар янги йўлларни очмоқда. Шу боис касбий тайёргарликда ҳам бир хил ёндашувдан воз кечиш зарур. Кимдир компьютерда ишлаши, бошқаси тикувчилик ёки ҳунармандчилик билан шуғулланиши, яна бири уйидан туриб хизмат кўрсатиши мумкин.

Демак, “иш топиб бериш”дан кўра, “инсонга мос касб топиш” муҳимроқ.

Барқарор бандлик инсонга нафақат даромад, балки мустақиллик, ўз кучига ишонч ва жамоага дахлдорлик ҳиссини беради. Шунинг учун маҳалла ижтимоий ходимининг вазифаси ҳужжат расмийлаштириш ёки нафақа тайинлаш билан чекланмаслиги керак. Фуқаронинг қобилиятини аниқлаш, унга мос йўналишни белгилаш, иш берувчи билан боғлаш ва фаолияти бошланганидан кейин ҳам кўмаклашиш муҳим.



ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

КЎМАК ҚАДРИ КЕРАК ВАҚТДА БИЛИНАДИ



Маҳаллага кириб борганингизда ҳар бир хонадонда ўз дарди, ташвиши ва умиди билан яшаб келаётган инсонлар борлигини ҳис қиласиз. Кимгадир бир марталик моддий ёрдам, яна кимгадир даволаниш, реабилитация ёки кундалик ҳаётини енгиллаштирадиган восита керак.

Юлдузхон ЖАББОРОВА, Оҳангарон шаҳридаги “Адолат” маҳалласи ижтимоий ходими.



Муҳими, инсоннинг муаммоси ўз вақтида аниқланиб, унга мос кўмак кўрсатилиши зарур.

Сайёра Қўчқорова уч нафар фарзандининг онаси. Оиласидаги мураккаб ижтимоий шароит ва соғлиғи билан боғлиқ муаммолар унинг кундалик ҳаётига жиддий таъсир кўрсатган. Шу боис аёлнинг ҳолати ўрганилиб, эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда амалий ёрдам чоралари белгиланди.

Куз-қиш мавсумида электр энергияси ва табиий газ харажатларини қоплаш учун унга 1 миллион сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам ажратилди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси қийим-кечак билан таъминлади. Ёрдамлар шу билан чекланмади. Сайёранинг соғлиғини тиклаш мақсадида “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳамда “Вақф” жамғармаси жарроҳлик амалиёти ва даволаниш харажатларини қоплаш учун ваучер ажратди.

Натижада фуқарога қорин ости чурраси бўйича жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Айни пайтда унинг соғлиғи ва оиласининг ҳолатини ижтимоий ходим мунтазам кузатиб бормоқда.

Ҳамзина Анжела эса йўл транспорт ҳодисасидан сўнг соғлиғида жиддий ўзгаришлар юзага келгани туфайли узоқ вақт давомида тўшакка михланиб қолган эди. Фуқаронинг ҳолати ўрганилиб, тегишли тартибда ногиронлик белгиланиб, унга нафақа тайинланишига кўмаклашдик.

Кундалик ҳаётда мустақил ҳаракатланишини енгиллаштириш мақсадида ногиронлар аравачаси ажратилди. Шунингдек, Ҳамзина Анжела “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида комплекс реабилитация хизматларидан фойдаланди. Руҳий-эмоционал ҳолатини қўллаб-қувватлаш ва жамиятга мослашувини яхшилаш учун психологик хизмат ҳам ташкил этилди.

Сайёра Қўчқорова ва Ҳамзина Анжела мисолида маҳалладаги ижтимоий ҳимоя ишларининг моҳияти яққол намоён бўлади. Бир ҳолатда оиланинг оғир вазиятини енгиллаштириш ва инсон саломатлигини тиклашга эътибор қаратилган бўлса, бошқа бирида ногиронлиги бўлган фуқаронинг мустақил ҳаёт кечириш имкониятларини кенгайтиришга устувор аҳамият берилди.

Зеро, ижтимоий ҳимоя, бу — фақат моддий ёрдам кўрсатиш эмас. У инсоннинг эҳтиёжини англаш, муаммосига ечим топиш, унинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишни ҳам назарда тутади.

ЯНГИ ХИЗМАТ

Эътибор бўлган жойда ЭҲТИЁЖГА ЎРИН ҚОЛМАГАН

Фарғона шаҳрида ногиронлиги белгиланган ёки ривожланишида турли нуқсонлар мавжуд бўлган 3 ёшгача болаларга эрта ёрдам кўрсатишга қаратилган “Эрта аралашув” хизмати йўлга қўйилди.

Давлатжон ПОЛВОНОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Мазкур хизматнинг асосий мақсади — болалардаги ривожланиш хусусиятларини эрта аниқлаш, уларга ўз вақтида ташхис қўйиш, коррекцион-педагогик ёрдам ва реабилитация хизматларини кўрсатиш, шунингдек, боланинг соғлом ривожланишига кўмаклашишдан иборат.

Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган муассасада боланинг ривожланишидаги орқада қолиш даражаси баҳоланади, умумий ташхис ўтказилиб, индивидуал “эрта аралашув” режаси ишлаб чиқилади. Ушбу режа асосида болалар ва уларнинг ота-оналари билан биргаликда ривожлантирувчи машғулотлар, абилитация ва реабилитация тадбирлари ташкил этилади.

Хизмат доирасида ота-оналар билан ҳам яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Уларга боланинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, кундалик парвариш ва тарбия жараёнида зарур амалий кўникмалар берилади.



Эътиборлиси, Фарғона вилоятида бугунги кунга қадар 11 та тадбиркорлик субъектига “Эрта аралашув” хизматини йўлга қўйиш учун хулосалар берилган. Шунингдек, 140 нафардан зиёд болага Психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосаси асосида мазкур хизматдан фойдаланиш учун ваучерлар шакллантирилган.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

Ногиронлиги бўлган фуқарони лавозимга қабул қилиш — масаланинг бошланиши. Ҳақиқий натижа унинг жамоага мослашиши, вазифасини мустақил бажариши, барқарор фаолият юритиши ва меҳнати муносиб баҳоланишида кўринади.


Шу боис корхона ва ташкилотларда фақат квотани бажариш эмас, **инклюзив меҳнат муҳитини шакллантириш** асосий мезонга айланиши лозим.

Бино мослаштирилдими? Зарур воситалар мавжудми? Жамоада муносабат қандай? Касбий ўсиш учун шароит борми? Меҳнатга ҳақ тўлашда адолат сақланяптими?

Бу саволларга жавоб бермасдан туриб, бандлик статистикаси ортидаги ҳақиқий ҳолатни баҳолаш қийин. Зеро, **инклюзия — инсонни лавозимга жойлаштириш эмас, унинг самарали фаолият юритиши учун шароит яратишдир.** Ногиронлиги бўлган фуқарога “**сизга ҳам жой бор**” дейишдан кўра, “сиз бу вазифани уддалай оласиз”, деган ишончни бериш муҳим. Ана шунда бандлик оддий рақам эмас, инсон ҳаётини ўзгартирадиган ҳақиқий **имконият**га айланади.



Солиқ олий мактабида солиқ органлари ходимлари, маҳалладаги солиқ инспектори учун ташкил этилган ИЛК МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИ ЯКУНЛАНДИ.



Нукус шаҳрида солиқ хизмати органлари ташкил топганининг 35 йиллиги муносабати билан “УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ” тадбири ташкил этилди.



МИГРАЦИЯ АГЕНТЛИГИГА КЎРА, Ўзбекистоннинг 1,4 миллион нафарга яқин фуқароси дунёнинг 40 га яқин мамлакатида меҳнат қилмоқда.

2026 ЙИЛ
26 АВГУСТ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №68

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”



ФИКР

Бугунги тадбиркор иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири саналади. Унинг овози эшитилади, фикри сўралади, муаммоси муҳокама қилинади. Бу ўзгариш бир кунда юзага келмади — тадбиркорликка эътибор кучайгани, давлат ва бизнес ўртасида мулоқот майдони шаклланган натижаси бўлди.

ИСТЕЪМОЛЧИ ИСТАГИ ҚАЧОН УСТУВОР БЎЛАДИ?

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Энди шундай ёндашувни истеъмолчига нисбатан ҳам қучайтириш вақти келди.

Чунки иқтисодиётнинг охирги нуқтасида турган бўғин — айнан истеъмолчи. У дўкондан озиқ-овқат сотиб олади, банкдан хизмат олади, интернет ва алоқа учун тўлайди, электр энергияси, газ, транспорт, таълим, тиббиёт ва бошқа кўплаб хизматлардан фойдаланади. Яъни иқтисодий ўсиш рақамларда акс этса, унинг таъсири кундалик ҳаётда истеъмолчи орқали сезилади.

Сўнгги йилларда истеъмолчининг мурожаати аввалгидан кўра кўпроқ эшитилаётгани ҳам бор гап. Электрон мурожаатлар, виртуал қабулхоналар, рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъул тузилмалар, банк ва коммунал хизматлар бўйича янги тизимлар одамга ўз ҳақини талаб қилиш имкониятини кенгайтирди. Айрим ҳолатларда фуқаронинг мурожаати натижасида нотўғри ҳисоб-китоблар қайта кўриб чиқилаётгани, асоссиз ундирилган маблағлар қайтарилаётгани ёки сифатсиз хизмат бўйича чора кўрилаётгани ҳам кўринмоқда. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор.



Ҳали-ҳануз истеъмолчи оддий, лекин уни анча қийнайдиган ҳолатларга дуч келади: шартномада тушунарсиз бандлар, хизмат учун асоссиз қўшимча тўловлар, банк ёки сервис билан боғлиқ низода жавобнинг чўзилиши, сифатсиз товарни қайтаришда ортиқча оворагарчилик... Бундай вазиятларнинг ҳар бири катта муаммо бўлиб кўринмаслиги мумкин. Аммо бир истеъмолчи учун бу вақт, пул ва асаб дегани. Масалан, фуқаро хизматдан норози бўлди. У мурожаат қилди. Масала ойдинлашиши мумкин бўлган ҳолатда ҳам бир идорадан бошқасига йўналтирилса, жавоб кутишга тўғри келса, охир-оқибат одамнинг қўлида икки йўл қолади: яна югуриш ёки “майли, шу ҳам бўлаверади”, деб қўл силташ. Иккинчи ҳолат эса жамият учун хавфлироқ. Чунки ҳуқуқи бузилган истеъмолчи уни тиклашдан воз кечган сари, бозорда масъулиятсиз муносабат учун жой қолади.

Шунинг учун масалани фақат “истеъмолчи шикоят қилса, унга жавоб бериш” даражасида қолдирмаслик керак. Истеъмолчи ҳуқуқи бозор маданиятининг бир қисмига айланиши зарур. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда Истеъмолчилар кунини жорий этиш ҳақида ўйлаб кўриш мумкин. Бу оддий тақвимдаги яна бир сана эмас, балки истеъмолчининг иқтисодиётдаги ўрнини очиқ муҳокама қиладиган кун бўлиши мумкин. Шу куни юқори даражада истеъмолчиларнинг энг кўп учрайдиган муаммолари муҳокама қилинса, регуляторлар фақат мурожаатлар сони билан эмас, улар қанча вақтда ва қандай ҳал этилгани билан баҳоланса, таъсири сезиларли бўлар эди.

Яна бир муҳим таклиф — истеъмолчи билан боғлиқ низоларни ҳал этишни соддалаштириш. Фуқаро ўз ҳақини тиклаш учун катта вақт, маблағ ва ҳуқуқий билим сарфлашга мажбур бўлмаслиги керак. Айниқса, сумма кичик бўлган ҳолатларда одам кўпинча судга мурожаат қилиш харажати ва оворагарчилигини ҳисоблаб, даъводан воз кечади. Шунинг учун кичик истеъмолчилик низоларини тезкор ва содда тартибда ҳал қиладиган амалиётларни янада кучайтириш фойдали.

Тадбиркорнинг овози эшитиладиган иқтисодиёт қандай барқарор бўлса, истеъмолчининг ҳақи ишончли ҳимоя қилинадиган бозор ҳам шунчалик соғлом бўлади. Бугун тадбиркорга яратилган мулоқот маданиятининг мантиқий давоми истеъмолчини ҳам эшитиш, унинг вақти ва ҳақини қадрлашдир.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Ҳосил мўл бўлса, даромад ҳам, СОЛИҚ МАСЪУЛИЯТИ ҲАМ ОРТАДИ

Пишиқчилик пайти маҳаллаларимизга кирсангиз, аввало, кўзингиз узумзорларга тушади. Қуёшда товланаётган қора узумлар, сарғиш-яшил шингиллар маҳаллага ўзгача кўрк беради. Аммо бу манзара ортида оддий ҳосил эмас, одамларнинг бир йиллик меҳнати турибди.



**Улуғбек МЕЛИҚЎЗИЕВ,
Қўштепа туманидаги “Сойбўйи”, “Карнайчи”, “Янги дўкон”, “Қийиқ”, “Соҳибкор” маҳаллалари солиқ инспектори.**

Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос ҳаёти бор. Масалан, “Сойбўйи” маҳалласида 19 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритади. 2 302 нафар жисмоний шахс солиқ тўловчи сифатида рўйхатда туради, 521 нафар фуқаро эса ўзини ўзи банд қилган. Бу ҳудудда чорвачиликка қизиқиш юқори, озиқ-овқат дўконлари ҳам кўп. Хотин-қизларнинг эса ўзига хос ҳунари бор — дўппидўзлик.

Эрта тонгдан токзор бошида меҳнат бошланади. Кимдир узумни узади, кимдир саралайди, яна кимдир бозорга олиб чиқиш тарадудига тушади. Ҳосилни сотишдан тушган даромад эса оиланинг бошқа эҳтиёжларига, рўзғорга, фарзандлар таълимига сарфланади.

Солиқ масаласида ҳам фуқаролар билан гаплашганимизда, аввало, мана шу ҳолатни ҳисобга оламиз. “Узумни сотиб, даромад қилганимиздан кейин, солиқнинг қолган қисмини тўлаймиз”, дейдиганлар кўп. Уларни ҳам тушунаман. Бир йил кутиб, ҳосилни етиштирган одам учун пулнинг қачон қўлга кириши муҳим. Шунинг учун солиқ тўловларини эслатиш билан бирга, имконият ва муддатларни ҳам тушунтириб борамиз.

Айни пайтда “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда “Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” номинациясида муносиб иштирок этиш учун зарур тарғибот ишларини олиб боряпмиз. Фуқароларга солиқларни муддатидан олдин тўлаш имконияти, бунинг учун рағбатлантириш чоралари мавжудлигини тушунтиряпмиз.

Баъзи аёллар уйининг бир бурчагини кичик устахонага айлантириб, турли кўринишдаги дўппиларга зеб бериб, ёнига 10-15 нафар қизни шогирд қилиб олган. Энг қувонарлиси, имконияти чекланган қизлар ҳам шу ҳунарни ўрганиб, ўзига машғулот топмоқда. Бир қарашда оддий уй юмушидек кўринган бу меҳнат аслида бир нечта оилага даромад манбаи бўлиб хизмат қиляпти.

Шундай тадбиркорларимизга солиқ тўловларини амалга оширишнинг қулай йўлларини ҳам тушунтириб боряпмиз. Кимдир онлайн тўловни билмайди — бориб кўрсатамиз. Кимдир ҳисоб-китобни тушунмайди — ёнига ўтириб, бирма-бир ўргатамиз. Чунки ҳудуд катта, тўлов кассалари эса айрим фуқаролар учун анча узоқ. “Бориб келгунча вақт кетади”, деган сабаб билан тўловни ортга суриб юрадиганлар ҳам учрайди. Шу боис аста-секин электрон тўловлардан фойдаланиш ҳам йўлга қўйиляпти. Бироқ бу ёши катта фуқаролар учун бу бироз мураккаб. Уларнинг айримлари телефонни, асосан, гаплашиш воситаси сифатида билади. Ундаги тўлов, илова, электрон хизмат каби имкониятлар эса ҳали одат тусига кирмаган. Буни ҳам бир кунда ўзгартириб бўлмайди. Муҳими, тушунтиришни тўхтатмаслик.

Маҳалла билан ишлашнинг ўзига яраша ташвиши бор. Кимнингдир даромади узумдан, кимнингдир ризқи чорвачиликдан, яна бировнинг рўзғори дўппидўзликдан тебранади. Биз эса шу турли меҳнатлар орасида солиқ тўловларини ҳам ўз вақтида амалга оширишга кўмаклашамиз. Чунки солиқ тўлашни фақат мажбурият деб эмас, маҳалла ва ҳудуд равнақига қўшилаётган ҳиссалардан бири сифатида тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз.

Энг муҳими, одам ўз меҳнати билан топган даромадининг қадрини билганидек, ундан келиб чиқадиган масъулиятни ҳам англаб борса, маҳалланинг ишлари ҳам бир маромда юради.

БАРҚАРОР БЮДЖЕТ

Эрталаб цехга кирганимда биринчи кўзим тушадиган нарса — ишлаб турган дастгоҳлар. Биз мебель ишлаб чиқарамиз: асосан, ошхона жиҳозлари, шкаф ва буюртма асосидаги мебель маҳсулотларини тайёрлаймиз. Бу ишда хомашё ҳам, ишчиларнинг меҳнати ҳам, буюртмачининг вақти ҳам бир-бирига боғлиқ. Шунинг учун айланма маблағнинг ҳар бир сўми биз учун муҳим.

Имтиёзнинг қиймати фақат рақамда эмас

**Тойир ПАРДАЕВ,
Шовот туманидаги “Тўқманғит” маҳалласи.**



Энг катта фарқни иш жараёнида сездик. Аввал коммунал тўлов учун катта маблағни бирданига ажратсак, энди унинг асосий қисмини ишлаб чиқариш айланмасида сақлаб қолиш имконияти пайдо бўлди. Масалан, шу маблағнинг бир қисмини янги мебель материалларига сарфлаб, кўпроқ буюртмани ўз вақтида бажаришга йўналтираяпмиз.

Аввалари электр энергияси ва газ учун 100 фоиз олдиндан тўлов қилиш кераклиги цехдаги ҳисоб-китобларга анча таъсир қиларди. Масалан, янги буюртма тушса, аввал материал олиш, ишчиларга ҳақ тўлаш, кейин коммунал тўловларни амалга ошириш керак. Лекин катта суммадаги олдиндан тўлов айланма маблағнинг бир қисмини шу ернинг ўзида ушлаб қоларди.

Бу масалада солиқ инспектори билан суҳбат давомида янги имконият ҳақида маълумот олдик. Маълум бўлишича, АСКУЭ ва АСКУГ тизимига уланган, тўлов интизомини бузмаган корхоналар учун электр энергияси ва табиий газ бўйича “аванс” тўлови 15 фоиз экан. Биз ҳам ушбу талабларга мос келдик ва бу имкониятдан фойдаланишни бошладик.

Менимча, тадбиркор учун имтиёзнинг қиймати фақат рақамда эмас. Айланма маблағ ишлаб турганида янги буюртма олиш, хомашё харид қилиш, иш ўринларини сақлаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш осонроқ бўлади. Солиқ хизмати ходимлари билан мулоқот ҳам шу жиҳатдан муҳим: тадбиркор ўз ҳуқуқи ва унга яратилган имкониятларни билса, мавжуд шароитдан тўғри фойдаланиб, бизнесини янада ривожлантириши мумкин.

ҚУЛАЙЛИК

Ишингиз кўпми? Ҳужжатларни осонлаштириш мумкин...


Тадбиркорлик қилаётганлар яхши билади: иш фақат маҳсулот сотиш ёки хизмат кўрсатиш билан тугамайди. Ҳисоб-китоб қилиш, шартнома тузиш, ҳисобварақ-фактура расмийлаштириш, далолатнома ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашга ҳам анча вақт кетади.



Айниқса, маҳсулотини дўконларга етказиб берадиган, бошқа тадбиркорлар билан ишлайдиган, хизмат кўрсатадиган ёки мунтазам равишда ҳужжат расмийлаштирадиган тадбиркорлар учун бу жараёнлар кундалик ишнинг бир қисмига айланган. Шундай тадбиркорлар учун “new.soliqservis.uz” тизимининг қулай томони бор.

Корхонангиз ёки фаолиятингизда фойдаланаётган ички дастурингизни электрон ҳужжат алмашинуви тизимига интеграция қилиш мумкин. Бунинг фойдаси нимада? Масалан, ҳисобварақ-фактура ва бошқа ҳужжатларни қайта-қайта қўлда киритишга ҳожат камаяди. Ҳужжатлар тезроқ шакллантирилади ва юборилади, хатолар камаяди, қоғозга кетадиган харажат ҳам қисқаради.

Тизим орқали ҳисобварақ-фактура, ишончнома, товар-транспорт юк хати, далолатнома, шартнома, солиштирма далолатнома ва бошқа электрон ҳужжатлар билан ишлаш мумкин. Қисқаси, маҳаллалардаги кичик бизнес юритаётган тадбиркордан тортиб, ҳужжат айланиши кўп бўлган корхоналаргача бу имконият вақтни тежаш ва ишни енгиллаштиришга хизмат қилади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Навоий вилоятида “ЭНГ ЯХШИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ” танловининг ҳудудий саралаш босқичи ўтказилди.



Жиззах вилоятида профилактика инспекторларининг 260 ТА ХИЗМАТ УЙЛАРИ жорий таъмирлаб, ободонлаштирилди.



Ўзбекистонда ноқонуний миграцияни ташкил этганлик учун 15 ЙИЛГАЧА ҚАМОҚ ЖАЗОСИ таклиф этилди.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

ХИЗМАТ ЛИБОСИМИЗ ОДДИЙ КИЙИМ БЎЛМАГАН...

Ватан — инсон учун энг улуғ ва муқаддас тушунча. Унинг тинчлиги ва осойишталигини асраш, халқнинг эртанги кунига ишонч билан яшаши учун муносиб шароит яратиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Айниқса, ҳуқуқ-тартибот соҳасида хизмат қилаётган инсонлар зиммасидаги бу масъулият янада залворли.



Тўлқин ҒОЗИБЕКОВ,
Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти кафедра доценти, подполковник.



Зеро, хизмат — аввало, ишонч. Халқ тинчлиги, жамоат хавфсизлиги ва қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли вазифа инсондан юксак фидойилик, ҳалоллик, матонат ва садоқатни талаб этади. Ички ишлар органлари ходими ҳар куни турли вазиятлар, турфа тақдирлар ва инсонлар билан юзма-юз келади. Ана шундай мураккаб ва масъулиятли паллаларда унинг билими ва тажрибаси билан бир қаторда, сабр-тоқати, вазминлиги ва, энг муҳими, инсонпарварлиги намоён бўлади.

Менимча, Ватанга хизмат қилишни фақат баландпарвоз сўзлар билан ифодалаб бўлмайди. Ватанга садоқат — ҳар куни ўз вазифангни виждонан бажариш, қонун талабларига қатъий амал қилиш, зарур пайтда фуқаронинг мурожаатини эътибор билан эшитиш ва бир инсоннинг муаммосига бефарқ бўлмасликдир. Тунги навбатчиликлар, оғир ва мураккаб вазиятларда хизмат вазифасини бажариш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жабрланган инсонга ёрдам қўлини чўзиш — буларнинг ҳар бири Ватанга хизмат қилишнинг амалий кўринишидир.

Айниқса, бугунги кунда ички ишлар органлари ходимига қўйилаётган талаблар тобора ортиб бормоқда. Чунки замон ўзгаряпти, жамият ўзгаряпти, одамларнинг ҳуқуқий онги ва қонуний талаблари юксаляпти. **Демак, ходим ҳам доимо изланиши, ўз устида ишлаши, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаши зарур.**

Чунки халқ билан ишлашда фақат кучли билимнинг ўзи етарли эмас. Инсонни тушуниш, унинг дардига қулоқ тутиш, вазиятга холис баҳо бериш ва адолатли қарор қабул қилиш қобилияти ҳам муҳим. Баъзан ходимнинг бир оғиз сўзи инсонга умид бағишлаши мумкин. Аксинча, эътиборсизлик ёки қўпол муомала бир фуқаронинг бутун тизим ҳақидаги тасаввурига салбий таъсир кўрсатиши ҳеч гап эмас.

Шу маънода, хизмат либоси оддий кийим эмас. Унда хизмат вазифаси билан бирга халқнинг ишончи, давлатнинг обрўси ва юрт олдидаги масъулият мужассам. Либос кийган ҳар бир ходим ўзининг ҳар бир ҳаракати, муомаласи ва қарори билан ана шу ишончни оқлаши керак.

Бугун юртимизда **Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллик шонли санаси** кенг нишонланмоқда. Бу қутлуғ сана ҳар биримиз учун босиб ўтилган йўлга назар ташлаш, эришилган ютуқларни қадрлаш ва келажак олдидаги вазифаларимизни яна бир бор англаш учун муҳим фурсатдир.

Мустақиллик йилларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига ҳам янги ва масъулиятли вазифалар қўйилди. Бугун ички ишлар органлари фаолиятида **профилактика, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, аҳоли билан очиқ ва манзилли ишлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш** каби вазифалар устувор аҳамият касб этмоқда. Бу эса биздан ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва омилларини олдиндан аниқлашни талаб қилади. Шунинг учун бугунги **ички ишлар органи ходими, аввало, халққа яқин бўлиши керак.**

Мен педагог сифатида ёш кадрлар билан ишлаш жараёнида бир ҳақиқатни кўп бора таъкидлайман: касбий билимни ўрганиш мумкин, тажриба йиллар давомида шаклланади, аммо касбга садоқат ва ҳалоллик инсоннинг ички эътиқодига айланмаса, уларнинг ўзи кутилган натижани бермайди.

Ҳар бир кун — ўз бурчингни яна бир бор англаш имконияти. Ҳар бир хизмат вазифаси — халқ ишончини оқлаш учун берилган имконият. Ҳар бир ҳалол меҳнат эса юрт тинчлиги ва тараққиётига қўшилган ҳиссадир.

Она Ватан ишончи — елкадаги масъулият. Бу масъулиятни ҳис қилиш, уни шараф билан адо этиш ва халқ ишончини оқлаш — ҳар бир Ватан фарзанди учун юксак шараф.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“ТАДБИРЛАР УЧУН ЭМАС, ТАҚДИРЛАР УЧУН МАСЪУЛМИЗ”

Кўча-кўйда, маҳаллаларда ички ишлар органлари либосини кийган ходимларнинг тинимсиз югуриб-елиб юрганига кўзимиз ўрганиб қолган. Кўпчилигимиз буни шунчаки “оддий навбатчилик”, деб ўйлаймиз. Лекин хотиржам тунимиз, фарзандларимизнинг кўчада хавотирсиз ўйнаб юриши ортида қанчалик катта меҳнат ва сергаклик турганини доим ҳам ҳис қилавермаймиз.

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ходими.



Республика миқёсида ўтказилган “Хавфсиз ва соғлом юрт” кенг қамровли профилактик тадбирининг якунлари эълон қилинди. Бу шунчаки рақамлар эмас, балки кўчаларимизни жиноятчиликдан, ёшларимизни эса заҳри қотилдан асраб қолиш йўлидаги катта кураш натижасидир.

Хўш, 45 кун ичида нималар ўзгарди? Тадбир давомида ички ишлар ходимлари кунни тунга улаб, “маҳалламбай” тизимда иш олиб боришди. Энг асосий эътибор халқнинг тинчлигини бузадиган, жамиятни ичидан чиритадиган омилларни бартараф этишга қаратилди.

Маҳаллаларнинг энг овлоқ, қоронғу ва илгари назорат қилиш қийин бўлган нуқталари тўлиқ назоратга олинди. Бу кўчалардаги безорилик ва тунги тартиббузарликларни жиловлаш имконини берди.

Махсус рейдлар давомида кучли таъсир қилувчи дорилар ва синтетик воситаларнинг катта улуши муомаладан чиқарилди. Бу юзлаб, балки минглаб оилаларнинг ҳаловатини асраб қолди. Профилактика инспекторлари “маҳалла еттилиги” билан биргаликда оилавий низоларни судгача бормасдан, олдиндан аниқлаб, ҳал этишди.

Қувонарлиси, тадбир кутилганидан кўра кўпроқ фойда берди. Чунки илгари жиноят содир бўлганидан кейин унга чора кўриларди. Бу сафар тизим бутунлай ўзгарди. Яъни, жиноят содир этилишига шароит яратадиган муҳит йўқ қилинди. Замонавий технологиялар ва рақамлаштириш тизими ёрдамида қайси ҳудудда хавф юқори бўлса, ўша ерга кучлар тезкор йўналтирилди. Натижада кўплаб маҳаллалар “яшил” тоифага ўтди. Жумладан, республика бўйича қонуний жазодан қочиб юрган 2 140 нафар қидирувдаги шахслар ушланди. Кўчаларда хавфсизликни бузиши, кимнингдир ҳаётига завол бўлиши мумкин бўлган 25 278 та совуқ қуроллар, ноқонуний сақланаётган ашёлар муомаладан чиқарилди. Жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган 157 644 нафар шахслар ўрганилиб, шундан 15 028 нафари профилактик ҳисобга олинди.

Бир сўз билан айтганда, “Хавфсиз ва соғлом юрт” тадбири қоғоздаги қуруқ рақамларни кўпайтириш ёки ҳисоботларни тўлдириш учун ўтказилмади. Бу ҳаракатларнинг замирида инсон тақдири, ҳар бир хонадоннинг тинчлиги ва эртанги кунга бўлган ишончи ётибди. Режани фоизларда эмас, соғлом улғаяётган болажонларнинг табассумида, кўнгиллари хотиржам ота-оналарнинг нигоҳида кўрдик. Энг катта ютуғимиз — амалда ўзгарган ҳаётлар ва чинакам хавфсиз муҳитдир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

ИБРАТ

“Хавф олдида иккиланиш, бу — касбга хиёнатдек гап”

Ички ишлар ходимининг асл вазифаси нима? Бу саволга энг тўғри жавоб — инсон ҳаётини асраш ва энг оғир дамда нажоткорга айланишдир. Кейинги пайтда маҳаллаларда тинчликни сақлаш учун янгича тизим ва замонавий усуллар йўлга қўйилгани профилактика инспекторларининг ишини анча енгиллаштирди.

Айниқса, кўчаларда патруль-пост хизмати (ППХ) ходимларининг мунтазам навбатчилик қилиши жиноятчиликнинг олдини олиш билан бирга, қутилмаган бахтсиз ҳодисаларда одамлар жонига оро киришга ҳам хизмат қилмоқда. Яқинда Яккасарой туманида содир бўлган бир воқеа бу фикрнинг яққол исботи бўлди.



Ўша куни Яккасарой тумани ИИО-ФМБ ППХ отряди инспектори, сафдор Расулжон Жўраев одатдагидек ўзига бириктирилган ҳудудни кўздан кечириб юрган эди. Кун тинч, атроф осойишта эди. Аммо кутилмаганда Бўрижар канали томондан келган шовқин уни сергаклантирди. Каналнинг важоҳат билан оқаётган шиддатли сувида бир бола гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай оқиб борарди. Оқим жуда тез, сув эса муздай эди. Бундай вазиятда ҳар бир сония олтинга тенг — озгина кечикиш ўлим дегани. Расулжон, сувнинг совуқлигини ҳам ўйлаб ўтирмади. Ички бир ҳис, бурч туйғуси уни сувга отди.

— Сувга сакраганимда хаёлимда “Ишқилиб, етиб боргунимча чўкиб кетмасин”, деган фикр ўтарди, — дейди Расулжон Жўраев. — Оқим кучлилиги учун сузиш осон бўлмади. Аммо болага яқинлашиб, унинг қўлидан маҳкам тутганимда, елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. Бор кучимни тўплаб, 13 ёшли Муҳаммадни қирғоққа олиб чиқдим. Болакай қўрқувдан қалтирар, аммо соғ-саломат эди.

Бу шунчаки сувдан одам қутқариш эмасди. Балки оиланинг чироғи ўчмаслиги, бир онанинг фарзанд доғида куйиб қолмаслиги ва жажжи бир йигитчанинг келажаги эди. Расулжоннинг бу довюраклиги ички ишлар ходими, деган номнинг нақадар шарафли ва масъулиятли эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Қаҳрамонлик ҳеч қачон эътиборсиз қолмайди. Ўша куннинг ўзидаёқ Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти, Яккасарой тумани ҳокимлиги ва кенг жамоатчилик вакиллари Расулжон Жўраевни муносиб тақдирлашди. Унга чексиз миннатдорлик билдирилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди.



Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 359 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-820

ISSN 2010-7013